

<https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1023>

## SEMANTICAL ANALYSIS OF INTERNATIONAL TOURISM TERMS IN ENGLISH

Солиева М.А., ЎЗМУ

Холбоева Д.Б., ТТА

[m.solieva@nuu.uz](mailto:m.solieva@nuu.uz)

Лексиканинг формал-таркибли ва этимологик хусусиятлари билан бирга, бир сўзнинг турли маънолари ўзаро муносабатлари ва ўзаро таъсирини, ва унинг бошқа сўзлар билан муносабатларини таҳлил қилиш лексикани ўрганишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Замонавий фан учун объектив воқеликни ўрганишга тизимли ёндашув хос бўлади. Бунда тизим деганда одатда ўзаро таъсир этувчи элементларнинг жамулжамлиги тушунилади. Умуман тизим учун хос бўлган элементлараро алоқалар ва муносабатлар, унинг бирликларида ва қисмларида аниқ ва ошқора кузатилади.

Сўзлар тилнинг лексик тизими ичида бир-биридан ажралган ҳолда эмас, бир-бири билан яқин узвий алоқада мавжуд бўлади, ва турли асосларда қурилган тизимларни ташкил этади: семантик-грамматик (сўз туркумлари), сўз ясовчи (сўз ясовчи тўпламлар), семантик (синонимлар, антонимлар, омонимлар, семантик майдонлар, лексик-семантик гуруҳлар, ва ҳоказо). Тизим (фалсафий ва лингвистик тушунчаси маъносида) – бир-бири билан муносабатларда ва алоқаларда бўлган элементларнинг жамулжамлигидир, у маълум бирлик, яхлитликни ҳосил қилади.

Шундай қилиб, лексика тизимлиги тушунчаларига бу даражадаги иккита бир-бирини ўзаро белгилаб берувчи ўзига хос белги киритилган: биринчидан, лексика тизими - луғат бирликларининг тўплами каби (номлаш воситалари бўлган сўзлар ва иборалар), иккинчидан, лексика тизими - ушбу



бирликларни ташкил этиш шакли, ва уларнинг ўзаро таъсирга киришиш ва муносабатда бўлиш усуллари каби. М.М. Покровский 1895 йилдаёқ «Қадимги тиллар соҳасида семасиологик тадқиқотлар» асарида қайд этишича, «сўзлар ва уларнинг маънолари бир-биридан алоҳида яшамайди, балки (кўнглимизда), онгимиз ихтиёридан ташқарида, турли гуруҳларга бирикади, бунда уларни гуруҳлаш учун маъносига кўра ўхшашлиги ёки бевосита қарама-қаршилиги асос бўлади» [1].

Демак, бир сўзнинг турли маъноларининг ўзаро муносабати, ва унинг бошқа сўзлар билан муносабатлари ниҳоятда турли-туман бўлиши мумкин. Умуман олганда улар мураккаб лексик тизимни ташкил этади, унинг кўп даражали ва кўп босқичли хусусияти эса қуйидаги кетма-кетликда кўриб чиқилиши мумкин:

- бир сўз доирасида – унинг маъносини (маъноларини) очиб бериш, турли маъноларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги (полисемия) ва ушбу боғлиқликнинг узилиши (омонимия, паронимия);
- луғат таркиби доирасида – сўзларнинг семантик боғлиқлигининг ҳар хил турларини, ва уларнинг ономасиологик белгилари ўзига хос хусусиятларини таърифлаш (синонимия, антонимия, ҳамда келиб чиқишининг, қўлланиш соҳасининг, функционал-услубий мансублигининг ўхшашлигига кўра, ва ҳоказо), яъни уларнинг парадигматик, синтагматик ва деривацион ўзаро муносабатларини аниқлаш;
- умумий тил тизими доирасида – сўзнинг семантик таркибий тузилиши формал-грамматик белгиларга, ҳар хил фонетик ўзгаришларга ва бошқа айнан лингвистик хусусиятдаги омилларга боғлиқлиги ва тобелигини аниқлаш; нутқли мулоқот билан бирга амалга ошувчи паралингвистик омиллар ҳамда экстралингвистик омилларнинг таъсир этиши.

Замонавий тилшуносликда лексикага тизимлар тизими сифатида қараш қатъий қарор топган. У тилда ўзининг маъносига, шаклига, шакллари ва маъноларининг ўхшашлигига, ҳамда у ёки бу гуруҳни ҳосил қилувчи сўзлар



ўртасида қарор топадиган муносабатларнинг хусусиятига кўра бир-бирига қарама-қарши қўйилган сўзларнинг турли гуруҳлари мавжудлиги ҳолатини эътироф этиш орқали ўз ифодасини топди. Лекин лексиканинг тизимли бўлиши нафақат маълум семантик гуруҳлар, семантик майдонлар, синфлар ёки оппозициялар (асл – ўзлашган, актив – пассив, нейтрал – стилистик туси берилган турлари каби) мавжуд бўлишида, балки лексик бирликлар қўлланишининг хусусиятида ҳам намоён бўлади, бу ерда ҳам маълум қонуниятлар кузатилади (масалан, антонимлар кўпинча айнан бир хил контекстларда қўлланиши мумкин, синонимларда ҳам худди шундай манзара кузатилади, бир сўзнинг ўзи турли маъноларга эга бўлганда, одатда улар ўзаро мос тушмайдиган контекстларда қўлланади).

Шундай қилиб, умумий тил тизимининг (ва унинг алоҳида даражаларининг) моҳияти тил амалиёти жараёнида аниқланади, у эса, ўз навбатида, тил тизимининг ривожланишини белгилаб берувчи умумий тилдаги ўзгаришларнинг хусусиятига таъсир этади.

Ушбу ишда биз «халқаро туризм» лексик-семантик гуруҳини бир сўз доирасида (полисемия, омонимия) ва уларнинг бир-бири билан семантик ўзаро алоқаси доирасида (синонимия) кўриб чиқиш мақсадини қўйганмиз. Шунини қайд этиш лозимки, белгиланган билим соҳасидаги терминлар маъноларининг таҳлили тармоқ ичидаги даражада олиб борилган. Уларнинг кенг истеъмол қилинадиган тилда қўлланиши қараб чиқилмаган.

Сўзнинг семантик таркибий тузилишининг таҳлили унинг маъноси мустақиллигининг даражасини ва унинг чегараларини очиқ-ойдин кўрсатади, яъни бунда бир сўзнинг даражасида тизимли муносабатлар тавсифланади, синонимия (synonymia – бир номлилиқ) эса маъноси яқин бўлган сўзларнинг гуруҳларида тизимли лексик муносабатларнинг ёрқин ва ишончли исботи деб ҳисобланади. Айнан иккита ва ундан ортиқ лексик бирликларнинг синонимлашуви мумкинлиги уларнинг бир-бири билан ўзаро семантик алоқасининг кучи ҳақида гапириш имконини яратади.



Терминларнинг синонимияси - терминлар тушунчалари ва терминлар номувофиклиги турларидан бири деб ҳисобланади, яъни бу ерда тушунчани расман ифодалашнинг воситалари ортиқчалиги намоён бўлади. Терминларнинг синонимияси, яъни бир тушунчани номлаш учун бир нечта махсус лексик birlikлардан фойдаланиш муаммоси атамашуносликнинг асосий ва энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда [2].

Умумий адабий тилда синонимлар – турлича эшитиладиган, лекин маъносига кўра бир хил бўлган ёки ўхшаш, яқин маъносига эга бўлган сўзлар. А.А. Реформатский бундай таърифни ноаниқ ва тушунарли бўлмаган, деб баҳолайди ва ушбу ҳолатни тушунишга жиддий қўшимча киритади, бу қўшимча шундан иборатки, синоним сўзлар «худди шу нарсани номлайди, лекин уни турли тушунчалар билан боғлайди, ва шу билан унинг номи орқали ушбу нарсанинг турли хусусиятларини очиб беради» [3].

Терминологияда синонимлар (дублетлар) пайдо бўлишининг сабаблари ва манбалари қисман умумий адабий тил билан бир хил бўлса-да, қисман ундан фарқли бўлади. С.В. Гринев-Гриневиц абсолют синонимларни биринчи навбатда *вариантларга* – термин шаклининг ўзгариши орқали ҳосил қилинган абсолют синонимлар, ва *дублетларга* – турли шакли бўлган абсолют синонимларга ажратади [2].

Баъзи тадқиқотчилар синонимия ва вариантликни фарқлайди ва вариантликни синонимиянинг бир тури сифатида қараш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Лекин ҳатто бир ҳарфи билан фарқланадиган лексемалар ҳар хил мустақил терминлар бўлиб, абсолют синонимлар белгиларига мос бўлади, чунки улар бир тушунчани номлаш учун хизмат қилади.

Тадқиқ этилган инглиз терминологик гуруҳида терминлар вариативлигининг қуйидаги мисоллари аниқланган:

1. *door-keeper* – *doorkeeper*; *time-table* – *timetable*; *custom-house* – *customhouse*; *eco-tourism* – *ecotourism* – ушбу терминлар график вариантларга киради, чунки улар ўзининг график кўриниши билан, яъни



ёзилиши билан фарқланади.

Инглиз рўйхатида график синонимларни ажратиш соф шартли ҳолат деб ҳисобланиши мумкин, чунки замонавий инглиз тилида икки хил (баъзан уч хил) ёзилиш шаклига эга бўлган ниҳоятда кўп сўзлар бор, ва бу оддий ҳолат деб қаралади.

2. *campground – campsite; itinerancy – itineration* каби фақат сўз ясовчи аффикслари билан фарқланадиган терминлар жуфтлари, сўз ясовчи вариантлари сонига киритилган.

3. *chartered flight – charter flight* терминлари фақат сўз ўзгартувчи аффикс билан фарқланадиган морфологик вариантларга мисол бўлади.

4. Синтаксик вариантлар – синтактик ясалиши модели (сўзларнинг тартиби ва уларнинг ўртасидаги муносабат) билан ажралиб турган сўз бирикмаларидан иборат бўлган терминларнинг вариантлари: *package tour – tour package; round-the-world trip – world round trip*.

5. *Композит вариантлар - сўзларни қўйиши ёки кўп компонентли термин асосларини қўйиши билан ҳосил қилинган морфологик-синтактик вариантлар: air terminal- airterminal; round trip ticket – round-trip ticket; return ticket – return-ticket.*

Полилексемали терминнинг ичида ҳатто битта термин элементида композиция жараёни аниқланган бўлса ҳам, синонимларни композит вариантларга киритиш мақсадга мувофиқ бўлишини қайд этиш лозим.

6. Эллиптик вариантлар, яъни кўп компонентли терминнинг маъноси ўзгартирилмаган ҳолда, уни эллипсис (қисқартириш) орқали ҳосил қилинган вариантлари ҳам морфологик-синтактик вариантларга мисол бўла олади: *Pullman coach - Pullman; Pullman coach – coach; air terminal – terminal; single ticket - single; return ticket – return; air hostess – hostess; tour voucher – voucher; lounge pavilion – lounge; departure lounge – lounge; all-inclusive tour – all-in.*

7. *boat hotel – boatel* каби терминлар аббревиатура – қисқартма вариантларга, яъни кўп компонентли терминнинг сўзлари қисмларини



кўшиш орқали ҳосил қилинган вариантларга киритилган.

8. *Бир сўзли тўлиқ вариантнинг охиридаги қисмини кесиб ташлаш орқали ҳосил қилинган кесилган варианты ҳам, қисқа вариантнинг бир тури ҳисобланади, масалан: cancellation – canx; return-ticket – return; air-hostess – hostess; railroad – road; railway – rail; all-inclusive tour – inclusive tour; camping – camp; luncheon – lunch; passenger – pax; familiarization trip – fam trip; tourleader – leader.*

Вариантларни абсолют синонимларнинг, яъни бир хил маънога эга бўлган синонимларнинг иккита базавий туридан бири деб ҳисоблаш мумкин. Дублетлар эса уларнинг иккинчи тури ҳисобланади. Агар вариантларни термин шаклининг ўзгариши натижасида олинган абсолют синонимлар, деб қарайдиган бўлсак, дублетлар эса турлича шаклга эга бўлган абсолют синонимлар каби таърифланади. Тадқиқ этилган терминология ичида аниқланган дублетларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. тарқалганлиги соҳаси - ареали билан фарқланувчи ареал дублетлар (ушбу тадқиқотда умумий эътироф этилган қисқартмалар қўлланган: US – USA – АҚШ; UK - United Kingdom – Бирлашган қироллик; Can – Canada - Канада):

*baggage (US) – luggage (UK); baggage car (US) – luggage van (UK); Pullman (US) – sleeping car (UK); diner (US) – restaurant car (UK); one way ticket (US) – single ticket (UK); railroad (US) – railway (UK); baggage room (US) – luggage office (UK); baggage check (US) – luggage receipt (UK); baggage check (US) – luggage ticket (UK).*

Шуни қайд этишни жоиз деб ҳисоблаймиз, инглиз тилидаги туристик терминологияда синонимлар ҳосил бўлишининг сабабларидан бири шуки, инглиз тили жаҳоннинг бир нечта давлатларида, яъни: Австралия, АҚШ, Канада, Янги Зеландияда, ва ниҳоят, албатта Буюк Британиянинг ўзида асосий тил деб ҳисобланади.

2. хронологик мақоми билан фарқланадиган дублетлар: *stewardess*(уст.)



–flight attendant; hostelry(уст.) – hotel; hostel(уст.) – hotel.

3. *Ҳар хил тилдаги дублетлар – тилга хос асл ёки бошқа тиллардан кириб келган сўзлар: alpinist(фр.) – cragsman; abolition(фр.) – cancellation; round way ticket – round trip(фр.) ticket; guide(фр.) – tour manager; hotel(фр.) – inn; pension(фр.) – boarding-house; full pension(фр.) – full board; quay(фр.) – wharf; quay(фр.) – pier; demi-pension(фр.) – half board; half pension(фр.) – half board.*

Таҳлил давомида уларнинг термин элементларидан бири ўз келиб чиқишига кўра бошқа турига тегишли бўлган кўп сўзли дублетлар аниқланганлигини қайд этиш лозим. Бундай турдаги синонимлар ҳар хил тил дублетлари гуруҳига киритилган.

Шундай қилиб, сўзларнинг амалда битмас-туганмас захиралари бўлишига, уларнинг кўп жиҳатли ва маъноли моҳиятига, боғланишларининг турли-туман хусусиятига қарамай, тилнинг луғат таркиби умумий тил тизимининг доирасидан чиқмайдиган, аксинча, унинг мантиқий ривожланишида фаол иштирок этадиган маълум тизимдан иборат.

Инглиз тили «Халқаро туризм» гуруҳидаги терминларнинг семантик таҳлили қуйидаги хулосага келиш имконини берди:

- инглиз ва рус тилларида тадқиқ этилган лексиксемантик майдоннинг синонимия даражаси нисбатан юқори - 334 та инглиз тилидаги термин синонимия билан қамраб олинган, бу тадқиқ этилган инглиз терминларнинг умумий сонидан 66% ни ташкил этади;
- инглиз тилида квазисинонимлар устувор туради: инглиз термин гуруҳида квазисинонимлар тадқиқ этилган инглиз терминлари сонидан 22% ни ташкил этади (инглиз терминологиясида аниқланган синонимлардан 34% қисми);
- абсолют синонимлар ичида инглиз тилидаги терминлар гуруҳида эллиптик вариантлар энг кўп учрайди – тадқиқ этиладиган инглиз махсус бирликлари сонидан 10% (инглиз терминологиясида аниқланган синонимлар сонидан 16%).



Терминлар бўлмаган, улардан кўплари кўп маъноли бўлган сўзлардан ташқари, бир фан доирасидаги терминлар бир маънолилик хусусиятига эга бўлиши лозим. Уларга аниқ чегараланган, асосан мотивацияланган ва асослантирилган ихтисослашув, ва абсолют семантик аниқлик хос бўлиши лозим. Лекин, битта лексик шакл билан бир нечта тушунчани, айниқса бир предмет соҳасига тегишли бўлган тушунчаларни номлаш, муҳим терминологик муаммолардан бири ҳисобланади, чунки у билимнинг деярли барча соҳаларида учрайди ва терминларнинг кўп маъноли бўлишига ва маъносининг ноаниқ бўлишига олиб келади, бу эса мутахассислар ва олимларнинг мулоқотини қийинлаштиради.

#### **Адабиётлар:**

1. Покровский М.М. Избранные работы по языкознанию. – М.,1959. – Б.82.
2. Гринев- Гриневиц С.В. Терминоведение. Учебное пособие. – М.: Академия, 2008. – Б.102-104.
3. Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.,2005. – Б. 97.

